



ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Назирова Шукрия Миадовна,

Тошкент давлат Шарқишунослик Университети,
Хитойшунослик факультети, хитой
филологияси кафедраси доценти, Ph.D
Электрон манзил: doston088@mail.ru

Аннотация. Инсон ўзининг ижодий қобилиятини жинсидан қатъий назар намоён қилиши имконига эга. Ва бадиий асарнинг қиммати унинг бадиий баркамоллиги, унда кўтарилган муаммонинг долзарблиги, умумбашарий қадриятларнинг нечоғлик ифода этилгани ва, энг муҳими, инсон тақдирининг жумбоғ-у ечимлари, инсоннинг ботини-ю зоҳири тасвирининг ҳаққонийлиги билан белгиланади. Аёллар адабиётининг пайдо бўлиши масаласи жаҳон адабиётишунослигида бу масала жуда кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлган. Бунинг асосий сабаби, маълум бир даврда муайян бир халқнинг адабиётига кўплаб аёл ижодкорларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Шарқ мамлакатларида аёллар адабиётининг ривожланиши бир маромда кечмаган. Бу мамлакатларда аёллар адабиётининг ривожу у ердаги ижтимоий-сиёсий вазият, адабий муҳит, ўша жамиятда аёлларга муносабат, аёлнинг ўрни, мавқеи ва бошқа омилларга боғлиқ тарзда кечади. Ўзбек шарқишунослари томонидан бу жараёнлар чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб келинмоқда. Ва, бу жиҳатдан Шарқишунослик университетида ўзига хос мактаб шаклланган дейиши мумкин. Амалга оширилаётган монографик тадқиқотлар ва ҳар йили мунтазам ташиқил этиб келинаётган “Аёл ва замон”, “Шарқ халқлари адабиётида гендер масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция фикримизнинг исботидир.

Калит сўзлар: аёллар адабиёти, шарқ адибалари, гендер тенглик, адабий муҳит.

Жамиятда аёлларнинг ўрни, мавқеи, ҳуқуқи масаласи ҳар доим баҳсли ва долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Аёллар томонидан яратилган асарларни бадиий ижоднинг алоҳида тури сифатида ўрганилиши масаласининг ўзи ҳам баҳсли. Чунки баъзи халқлар адабиётида аёллар ижоди тарихи қадим даврлардан бошланган бўлса-да адабий ҳодиса сифатида жуда кеч ўрганила бошланган. “Аёллар адабиёти” тушунчаси ҳам турли халқлар адабиётида турли даврларда турли вазиятлар тақозоси билан пайдо бўлган. Баъзи халқларда эса таниқли аёл ижодкорлари бўлгани ҳолда улар “аёллар адабиёти” номи билан алоҳида ажратилмайди. Бугунги кунда аёлларнинг асарлари кўплаб чоп этилмоқда, уларга бағишланган махсус конференциялар ўтказилмоқда. Аёлларнинг ижоди нафақат адабиётчилар, балки психологлар, файласуфлар, социологлар, тарихчиларнинг ҳам тадқиқот объектига айланди.

Бизнингча, инсон ўзининг ижодий қобилиятини жинсидан қатъий назар намоён қилиш имконига эга. Ва бадиий асарнинг қиммати унинг бадиий баркамоллиги, унда кўтарилган муаммонинг долзарблиги, умумбашарий қадриятларнинг нечоғлик ифода этилгани ва, энг муҳими, инсон тақдирининг



жумбоғ-у ечимлари, инсоннинг ботини-ю зоҳири тасвирининг ҳаққонийлиги билан белгиланади.

Аёллар адабиётининг пайдо бўлиши масаласи жаҳон адабиётшунослигида бу масала жуда кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлган. Бунинг асосий сабаби, маълум бир даврда муайян бир халқнинг адабиётига кўплаб аёл ижодкорларнинг кириб келиши билан боғлиқдир.

Шарқ мамлакатларида аёллар адабиётининг ривожланиши бир маромда кечмаган. Бу мамлакатларда аёллар адабиётининг ривожини у ердаги ижтимоий-сиёсий вазият, адабий муҳит, ўша жамиятда аёлларга муносабат, аёлнинг ўрни, мавқеи ва бошқа омилларга боғлиқ тарзда кечади. Ўзбек шарқшунослари томонидан бу жараёнлар чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб келинмоқда. Ва, бу жиҳатдан Шарқшунослик университетидан ўзига хос мактаб шаклланиб бориши мумкин. Амалга оширилаётган монографик тадқиқотлар ва ҳар йили мунтазам ташкил этиб келинаётган “Аёл ва замон”, “Шарқ халқлари адабиётида гендер масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция фикримизнинг исботидир.

Агар минтақалар жиҳатидан олиб қаралса, аёллар адабиёти энг кенг ривожланган шарқ мамлакатларидан бири Эрон Ислом Республикасидир. Эронда Ислом инқилоби (1979)дан кейинги романчилик тараққиётидаги ўзига хос жиҳатлардан бири кўплаб аёл ижодкорларнинг бу жанрда ўз истеъдодини синаб кўра бошлагани билан белгиланишини таъкидлайди. Натижада, Эрон адабиётда “адабиёте занон” – аёллар адабиёти деган тушунча пайдо бўлади. Аёллар ижоди жонланганининг асосий сабаблари сифатида мамлакатдаги Ислом инқилобига қадар аёллар масаласи билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги, жумладан, илк бор аёлларга сайлов ҳуқуқи берилганлиги (1963), оилани қўллаб-қувватлаш ҳақида қонун қабул қилинганлиги (1967), аёлга ажралиш ташаббуси билан чиқиши ва ажримдан кейин фарзандини тарбиялаш ҳуқуқи берилганлиги, кўпхотинлилик маълум даражада чекланганлиги ҳамда бу чора-тадбирлар аёлларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллашувига олиб келганлигига урғу беради. Энг муҳими, аёлларнинг саводхонлиги масаласига жиддий эътибор қаратилади. Меҳнат бозорида аёлларнинг фаоллиги ортади. Буларнинг барчаси ижодкор аёллар учун ҳам кенг имконият яратди. Эронлик адибалар ижодида мамлакат ҳаётида содир бўлаётган тарихий воқеаларни аёл нигоҳи, аёл тафаккури призмасидан ўтказиб талқин этиш тамойили кучли намоён бўлди.



80- 90-йиллар Эрон ҳикоянавислиги тараққиётида ўша даврда адабиёт майдонига кириб келган аёл ёзувчиларнинг ижоди муҳим аҳамият касб этганлигини эътироф этади. Аёлларнинг ҳикояларида кундалик турмушдаги оддий ҳодиса, бирор одамнинг одатий ҳаёти мавзу бўлиб, мақсади – қаҳрамоннинг қалбига чуқурроқ кириш, кўнгил кечинмаларини теранроқ ифода этиш бўлди. Бу ҳолат исломий жамиятдаги аёлнинг мавқеи ҳақида шаклланган тасаввур ва тушунчаларга зид келса ҳам ҳақиқий адабий ҳодиса сифатида рўй берганлигини таъкидлайди.

Араб адабиётида аёллар ижодининг пайдо бўлиши давр жиҳатидан XX асрнинг 50 йилларига тўғри келиши ва бу бевосита таълим тизимининг йўлга қўйилгани билан боғлиқ эканлигини эътироф этилади. Эътиборга молик жиҳати, Миср, Сурия, Ироқ, Фаластин каби араб давлатларида аёллар адабиёти Кувайтдан фарқли ўлароқ XX асрнинг бошлариданоқ равнақ топганлигини асослайди.

Ҳиндистонда ҳам 1970 йиллардан бошлаб аёллар адабиёти тушунчаси пайдо бўлган. Бу адабиёт “феминистик адабиёт” номи билан юритилади. Бу адабиётнинг асосий хусусияти анъанавий оилаларда аёлларга нисбатан ўтказиладиган зулм мавзусини илгари сурганлигида кузатилади. Бхакти аёллар бўйича олиб борган бир қатор тадқиқотларида номлари фанга яхши маълум бўлмаган шоиралар ҳақида маълумот беради. Йирик ҳинд шоираси ва адибаси ҳақидаги изланишлар ҳинд аёллар адабиёти борасида муҳим назарий фикрларни илгари суради.

Ўзбек аёллар адабиёти хонликлар даври аёллар адабиётининг алоҳида давр сифатида ажратилади. Марказий Осиё, айниқса, ўзбек халқи тарихида – хонликлар даври алоҳида ўрин тутиши, кўп минг йиллик ўзбек халқи тарихида бу давр ўзининг муддати билангина эмас, балки, шу даврда халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган жуда катта воқеалар билан ҳам ажралиб туришига урғу беради. Айнан шу даврда камсонли бўлса-да аёлларнинг бадиий ижод билан шуғуллангани кузатилишини таъкидлаш мумкин. Нодирабегим (1792-1842), Увайсий (1779-1845), Дилшод Барно (1800-1905), Анбар Отин (1870-1906) ўша даврда яшаб ижод этганликлари билан асосланади. Аёллар ижодининг ривож топа бошланганини айнан шу даврда кам сонли бўлса-да хусусий хонадонларда ташкил этилган қизларга хат савод берувчи мактаблар бўлганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Истиклолга қадар ва Истиклолдан кейинги давр ўзбек аёллар адабиётининг энг муҳим жиҳатларига урғу берилади.



Хитойда аёллар адабиётининг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалиб, дастлабки асарлар саройда яшайдиган ва хат савод чиқариш имкониятига эга бўлган аёллар томонидан яратилган. Жанр жиҳатдан кўпроқ шеърӣ асарлар ёзилган. Расман аёлларнинг ижоди тан олинмаган даврларда уларнинг асарлари турли таҳаллуслар остида бунёд этилган.

XX асрнинг бошларига келиб Хитойда содир бўлган ижтимоий сиёсий воқеалар: Синьхай инқилоби ва 4-май ҳаракати, “Янги маданият тарафдорлари” ҳаракати туфайли турли жабҳаларда жиддий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Қадимий бой анъаналар ва Ғарб оламининг таъсири натижасида тамомила янги қадриятлар сайқалланди. Оила, аёлнинг жамиятдаги ўрни каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратдилар. Биринчи жаҳон уруши, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳаракатларининг кучайишига олиб келди.

XX асрнинг 50 йилларигача бўлган аёл ижодкорларнинг асарларида аёл тақдири, унинг ҳуқуқлари, маиший турмуш, оила қадриятлари каби мавзулар етакчилик қилди.

Бу даврда яратилган аксарият асарлар автобиографик характерга эга бўлиб, уларнинг ижодкорлари давр синовларини ўз бошларидан ўтказган аёллар эди.

Давр адиба ва шоираларининг аксарияти ҳам ижодкор, ҳам давлат хизматчилари, жамоат арбоблари эдилар. Улар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этдилар, бир томондан катта шухратга эга бўлсалар, иккинчи томондан сиёсат қурбонига ҳам айландилар. Чжан Айлин, Бинь Син, Дин Лин, Сяо Хун, Ши Пинмэй, Люй Бичэн каби адиба ва шоирлар ижодида даврнинг аёллар билан боғлиқ энг муҳим муаммолари акс этди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан хитой ҳаётида бўлгани сингари аёллар адабиётида ҳам тубдан ўзгариш содир бўлди. 1960 йилларнинг ўрталаридан мамлакат тарихий нуқтаи назардан янги мафкуравий тизимга ўтиб, ички бошқарув сиёсатида коммунистик идеология ҳукмронлиги қарор топди 1976 йил сентябрь ойида Хитой тарихидаги энг йирик воқеалардан бири бўлган “маданий инқилоб”нинг барҳам топиши, Мао Цзэдуньнинг вафоти жуда катта ўзгаришларга олиб келди.

Адибларнинг ота-оналари, яқинларининг аксарияти ва ўзлари “маданий инқилоб” фожеаларини ўз тақдирларида синаб кўрганлар. Уларнинг асарларида воқеликдан кўра унинг инсон характерига, тақдирига таъсири масаласи кўтарилди.



Бу давр адибаларнинг қахрамонлари турли касб эгалари бўлиб, уларнинг турмуш тарзи, руҳияти реалистик тасвир йўсинида талқин қилинган. Шу билан бирга бу адибаларни ўзига хос ёзиш техникаси, бадиий тасвир воситалари ва услуби мавжуд бўлиб, бу уларнинг бетакрорлигини таъминлайди.

“Чандиклар адабиёти” ёзувчиларнинг чуқур эмоционал шахсий кечинмаларини ифодалаганлиги билан характерланади. Айнан бу йўналиш туфайли Инсон руҳиятига эътибор қаратилди.

XX асрнинг 70 йиллари охирида ривож топган “Чандиклар адабиёти” ва унинг ўрнига келган “Ўтмиш ҳақида ўйлар” адабий йўналиши 80 йиллар адабиёти учун пухта замин бўлди.

Қўлланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сотиболдиева С. Замонавий форс романчилиги: жанр эволюцияси ва бадиий маҳорат. – Тошкент, 2018. – Б.117
2. Турдиева О. Ҳозирги замон Эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик хусусиятлари, жанр динамикаси (1980–2010 йиллар). - Т. (док.дис.)
3. Аҳмедова Ш. Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётида адибалар Лайло ал усмон ва сурайё ал Бақсамий ижодининг ўрни. Тошкент, 2010. – Б.11
4. Очерки истории литератур Индии X-XX века.- Стр.272
5. Муҳибова У.У. Бҳакти адабиёти (монография). –Тошкент, 2012.; Муҳибова У.У. Бобурийлар даври адабиёти (хиндий тилидаги адабий мерос) (монография). -Тошкент 2018; Муҳибова У. Мирабаи // “Аёл ва замон” – Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. –Б. 46-48.
6. Ходжаева Т. Амрита Притам.// “Аёл ва замон” – Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. –Б.49-52
7. Китайская проза XXI века. Перевод с китайского языка. Составители А.А. Родионов, Н.А.Спешнев. – СПб.:КАРО, 2011. – С.108
8. Чернец Л.В. Введение в литературоведение. М.: Высшая школа, 1976.
9. 黄英：“女作家现代中国”2003年美国哥伦比亚大学出版社